Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизга ушбу мактуб орқали Бахмал туманида яшовчи қирғиз миллатига мансуб фуқароларнинг самимий саломи ва энг яхши тилакларини йўлламоқдамиз.

Туманимизда ўн миллат вакиллари истиқомат қилади. Бу ердаги қарийб юз минг кишилик аҳолининг етти минг нафари қирғизлардир.

Бизнинг ота-боболаримизнинг киндик қони ана шу азиз тупроққа тўкилган, қанчадан-қанча улуғларимизнинг ҳоки пойи унинг табаррук бағрида ётибди, нури дийдаларимиз шу масканда униб-улғаймоқда.

Қадрли Президентимиз Ислом ака!

Бахмалда ўзбек билан қирғизни, уларнинг хонадони ва турмуш шароитини бир-биридан сира айри тасаввур қилиб бўлмайди: қишлоқларимизнинг чегараси йўқ. Уйларимизнинг деворлари ҳам худди қалб ва мақсадларимиз сингари бир-бирига туташиб кетган. Тўй ва маъракаларимиз ҳамкорликда ўтказилади. Чин дўст, ака-ука, опа-сингил, қадимдан қуда-андамиз. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар рўёбини тўла таъминлашга ҳисса қўшиш учун қўлни қўлга бериб меҳнат қиляпмиз.

Ўзбекистон аталмиш қудратли мамлакатнинг фуқароси сифатида яшаш ва ишлаш бизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Ўғилларимиз ана шу жонажон Ватан сарҳадларини қўриқлаб турганликларидан ҳақли равишда фахрланадилар.

Ўзбекистоннинг яна бир буюклиги — унда миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлиги Қомусий ҳамда амалий таъминланганидир.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз ва ҳукуматимиз раҳбариятининг катта эътибори туфайли чекка жойлардаги қирғиз қишлоқларида ҳам замонавий мактаблар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриб берилди ва яна бунёд этилмоқда. Тоғ қуйисида жойлашган Музбулоқ аҳоли манзилида яқинда қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу даволаш муассасасининг қуриб берилиши Музбулоқ, Жиллибулоқ, Олдашмон, Зартепа, Сўпи, Оқмала ва Бойқўнғир аҳоли манзилларида яшовчиларни 30-35 километр масофа босиб хўжалик марказидаги, 70-75 километр йўл юриб туман марказидаги касалхоналарга сарсон бўлишдан халос этди.

Бунинг учун, бундай эзгу бунёдкорлик ишларингиз учун Сиздан миннатдормиз.

Биз Сизга ишонамиз ва Сизни қўллаб-қувватлаймиз!

Турғунбой ТЎРАЕВ — 1-гуруҳ уруш ногирони,
Музбулоқ жомъе масжиди имом-хатиби
Шафоат НУРМАНОВ — меҳнат фахрийси
Ирисбой СОИПОВ — Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Фотима МУСАЕВА — 96 ёшли пенсионер
Ирисбой АБСАЛОМОВ — «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Бахмал тоғ бўлими илмий ходими
Амир САФАРОВ — Музбулоқ қишлоқ врачлик пункти мудири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 3 август, сешанба • № 89 (24.484).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Умид» совриндорлари хорижга отланмоқда

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1999-2000 ўқув йили учун Президент гранти соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда танлов ғолиблари, уларнинг ота-оналари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тантанали маросимни «Умид» жамғармасининг бошқаруви раиси, молия вазири Р.Азимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг танловнинг ғолибларига йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттирди.

1997 йили «Умид» жамғармасининг илк қалдирғочлари Президент грантларини қўлга киритиб, ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли таълим даргоҳларида ўқиш имкониятига эга бўлган эди. Ўтган икки йил мобайнида 500 га яқин талаба хорижга ўқишга жўнатилди. Бу йил эса икки юзга яқин иқтидорли йигит-қиз хорижий мамлакатларда таҳсил олиш учун шай бўлиб турибди.

Бугунги кунда «Умид» қалдирғочларининг талайгинаси хорижий давлатлардаги олий ўқув юртларини муваффақиятли битириб, халқ хўжалигининг илғор йўналишларида фаолият кўрсатаяпти. Аслида, жамғармани ташкил этишдан, Ўзбекистон ёшларини чет элга ўқишга жўнатишдан кўзланган бош мақсад ҳам илғор мамлакатлар тажрибасини республикамизга татбиқ этиш, давлатимизни тезроқ ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишдир.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов танлов ғолибларини қўлга киритган ютуқлари билан қутлади.

Учрашувда танлов ғолибларининг бир гуруҳига хорижий давлатларнинг олий ўқув юртларига йўлланма берувчи сертификатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти имзоси битилган эсдалик соатлар топширилди. Уларни Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова топширди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Зиё, Т.Рисқиев, Президентнинг Матбуот котиби А.Ғуломов иштирок этди.

Учрашув сўнггида тантанали маросим қатнашчилари учун концерт берилди.

(ЎзА)

Суратларда: тадбирдан лавҳа.
Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Қўшинлар октябрда кетармиш

Исроил ҳукумати ўз қўшинларини Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги босиб олинган ҳудудлардан октябрь ойида олиб чиқиб кетиш режалари ҳақида хабар қилди. Исроил бош вазири Ёҳуд Барак қўшинларни олиб чиқиб кетиш тартиби ҳақида биринчи бор маълумот берди. Қамоқдагиларни озод этиш эса сентябрь ойидаёқ бошлаб юборилади.

Темир йўлда портлаш

Ғарбий Бенгалиядаги темир йўл станциясидаги портлаш натижасида камида 70 киши ҳалок бўлди. Юздан зиёд киши жароҳатланди. Портлаш сабаблари ҳозирча номаълум. Мухбирлар агар бу террорчилик ҳаракати бўлса, у усталик билан амалга оширилган дейишмоқда. Ҳиндистон раҳбарияти эса ушбу портлаш ортида қўшни Непал билан чегарада ҳаракат қилаётган ислом гуруҳлари турибди, деб тахмин қилмоқда.

Жазирама қурбонлари

Американинг 18 штати об-ҳавонинг кескин кўтарилиб кетганлигидан азият чекмоқда. Мана икки ҳафтадирки бу ерда ҳарорат 40 даражадан пасаймаяпти. Натижада юз киши ҳалок бўлди. Сўнгги икки кеча-кундузда Чикагода 50 америкалик оламдан ўтди. Раҳбарлар эса кекса кишиларга, айниқса, юраги касал одамларга кундузи кўчага чиқмасликни тавсия этмоқдалар. Жазирамадан Буюк Британия ҳам азият чекмоқда. Ҳозир Лондонда 38 даража иссиқ. Синоптиклар яқин кунларда жазирама пасайишини ваъда қилмаяптилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 3 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	85,36	10 Люксембург франки	34,78
1 Австрия шиллинги	10,20	1 Малайзия ринггити	34,50
1 Англия фунт стерлинги	212,00	1 Германия маркаси	71,74
10 Бельгия франки	34,78	1 Польша злотийси	34,07
1 Голландия гульдени	63,67	1 СДР	178,54
10 Греция драхмаси	4,32	1000 Туркия лираси	0,31
1 Дания кронаси	18,86	1 Финляндия маркаси	23,60
1 БАА дирхами	35,69	1 Франция франки	21,39
1 АҚШ доллари	131,08	1 Швейцария франки	87,91
1 Миср фунти	38,44	1 ЕВРО	140,31
10 Испания песети	8,43	10 Жанубий Корея вони	1,09
100 Италия лираси	7,25	10 Япония иенаси	11,38
1 Канада доллари	87,11	1 Россия рубли	5,42
1 Хитой юани	15,84	1 Украина гривнаси	31,21

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилувчи ва хизматлар кўрсатувчи жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Отчопар буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг иш тажрибаси Ўзбекистон Республикасининг бошқа чакана бозорларига ҳам татбиқ этилсин.

2. Белгиланснки, 1999 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида ва 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жисмоний шахслар юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти тартибида истеъмол товарлари сотиш ва хизматлар кўрсатиш учун чакана бозорлар, савдо марказлари ва савдо комплекслари ҳудудига тадбиркорда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан берилган ҳамда даромаддан олинадиган солиқ тўланганлиги тўғрисида солиқ инспекциясининг белгиси қўйилган гувоҳнома мавжуд бўлган ҳолдагина қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чакана бозорлар, савдо марказлари ва савдо комплексларида (кейинги ўринларда бозорлар деб аталади) жисмоний шахслар томонидан чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш тартиби тасдиқлансин.

Ушбу Тартиб деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

4. Белгиланснки:

бозорлар ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олган ва юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш дафтарини юритишдан озод қилинадилар ва мазкур қарор билан белгиланган тартибга мувофиқ қайд этилган ставка бўйича солиқ тўлайдилар;

бозорлар ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилаётган жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг қайд қилинган ставкаси озиқ-овқат товарлари учун — ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ўттиз бараваригачани, ноозиқ-овқат товарлари учун — ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан йигирма бараваригачани ва хизматлар кўрсатувчилар учун — ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ўн бараваригачани ташкил этади. Бир жисмоний шахс бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилган тақдирда солиқ озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун белгиланган миқдордан келиб чиқиб белгиланади;

бозорларда жой бериш, савдо жойи ижарага олинганлиги учун тўлов ундириш ва савдо жойи ижарага олинганлиги учун талонлар бериш чакана бозорлар дирекциялари томонидан фақат чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва ундаги даромаддан олинадиган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи солиқ органларининг белгиси асосида амалга оширилади. Чакана бозорлар раҳбарлари мазкур талаб бажарилишини таъминлаш учун шахсан жавоб берадилар;

бозорларда чакана савдо фаолиятини амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни хоҳловчи жисмоний шахслар тегишли солиқларни ва савдо жойи учун ижара ҳақини камида бир ой муддатга олдиндан тўлашлари керак;

чакана бозорлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий молия ва солиқ органлари билан биргаликда:

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини олган жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг қайд қилинган ставкалари миқдорларини ҳар бир аниқ чакана бозорда улар жойлашган жойни ва савдо оборотига таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур қарор билан белгиланган кўрсаткичлар доирасида ҳар йили белгиласинлар;

янги тартиб жорий этилгунга қадар чакана бозорлар ҳудудида савдо фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи жисмоний шахслар ўртасида зарур тайёргарлик ва тушунтириш ишларини ташкил этсинлар ва ўтказсинлар;

зарурият ва ўрта умумий фойдаланишдаги турғун савдо павильонлари принципи бўйича озиқ-овқат товарларини сотишга ихтисослаштирилган озиқ-овқат бозорлари ва савдо марказлари ташкил этсинлар, уларда товарларни жойлаштириш учун улгуржи базалар, мева-сабзавот комбинатлари, бозорлар ва бошқа мавжуд иншоотларнинг бўш турган майдонлари ва қувватларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратсинлар.

6. Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни ва чакана бозорлар ҳудудида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларга чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни ўз вақтида тайёрлаш ва беришни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси чакана бозорлар ҳудудида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан бюджетга солиқлар ўз вақтида тушиши устидан самарали назоратни таъминлашнинг таъсирчан чора-тадбирларини кўрсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари М.Усмонов ва Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 август

Президент ишонган болалар

Тахиатошлик оддий ишчи Ўроқбой оға, уй бекаси Турғонгул опанинг ўғли Динмуҳаммад океан ортидаги юртнинг машҳур университетларидан бирида ўқийди, деб ким ўйлабди дейсиз. «Болам, шу ўзимизнинг Нукусдаги университетда ўқиб юраверганинг маъқул эмасми? Чет тилидан қийналсанг, ўқишни «тортолмай қолиб» қайтиб келсанг, уялиб қоларман-ов», деган ота-онаси Кембриж шаҳридаги Англия политехника университетида таълим олаётган ўғилларининг соғлиғини тилаб ўтиришибди. Энди қўни-қўшниларнинг хонадонларидаги болалар ҳам чет элда ўқишни орзулайдиган бўлишди.

Ота-оналар эса ўйинқароқликка берилган болаларига «Мана, ўзимизнинг Ўроқбой оғанинг ўғли чет элда ўқияпти. Яхши ўқисанг, сен ҳам борасан», деб танбеҳ берадиган бўлдилар.

Ота-оналар ҳам, болалар ҳам билишади: тест — энг адолатли синов усули, билимли бўлсанг, Ўзбекистондаги исталган билим даргоҳига киришинг мумкин. Барча олий ўқув юртларда Нукус давлат университетидаги каби иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва тайёрлаш маркази бор. Президентимизнинг ёшларга ғамхўрлик билан ташкил қилиб қўйган «Умид» жамғармаси бор.

— Бошқа давлатлардан келган талабалар йилига 10 минг доллар тўлашади, — дейди Динмуҳаммад. — Бундан ташқари яшаш сарф-харажатлари ҳам бор. «Умид» гранти билан ўқиётган ўзбекистонлик ёшларга эса ойига 1000 доллар атрофида стипендия тўлашади. Нукус давлат университети талабалари, Динмуҳаммад Ўрозимбетовнинг дўстлари Т. Полвонов, С. Аннақиличев, Д. Мусаев, О. Қурбонов, Б. Тўрабоев, К. Сапарниёзов, А. Санатуллаев Англия, Американинг машҳур ўқув даргоҳларида таълим олишяпти.

Бирмингем университетида пул, банк ишлари ва молия мутахассислиги бўйича ўқиётган Темур Полвонов билан бир зум суҳбатлашиб, унинг жуда қобилиятли, ўта камтар йигитча эканини биласиз. Аммо Темур ғурурланиб шундай деди:

— Биз Президент ишонган болалармиз!

Мақтанавер укажон, дунёга жар сол! Мақтанишга арзийди.

Фахр

Динмуҳаммад ўқув машғулотларининг бирида Ўзбекистоннинг тақдимномасини таклиф этди. Кўргазмали стендлар, мароқли ҳикоялар, илмий асосланган далиллар — буларнинг ҳаммаси турли мамлакатлардан келиб ўқиётган йирик миллионерларнинг фарзандларининг диққатини тортди.

— Табиий ресурслар бор, ишчи кучи бор, ишбилармонлик салоҳияти бор. Фақат чет эл инвестицияси зарур, — деди Динмуҳаммад. Ана шу тақдимноманинг натижаси ўлароқ бир талаба отасининг Швейцария банкига қўйилган капиталини ҳаракатга келтириб, Ўзбекистонга компьютерлар киритиш ҳақида ўйлаб қолди.

Динмуҳаммад Тахиатошга қайтаётганида қўшнилари мистер Дэвид билан миссис Жин Ўзбекистонга чиқиш визаларини тўғрилаётган эдилар. Дарвоқе, ҳар нарсага қизиқувчан бу жуфт, Динмуҳаммадни биринчи кўришдаёқ талаффузидан меҳмон эканлигини сезишган ва ўзбекистонлик эканлигини билиб:

— О-о, Сиз Самарқанд, Бухоро, Хивани кўрган, зиёрат қилган табаррук одам экансиз, — дейишганди.

Дунёнинг турли бурчакларидан келиб ўқиётган ёшлар ўз Ватани ҳақида кўп гапиришади, ҳар ким ўз юртини мақтайди. Ҳатто, кўчада бораётган ўткинчининг кўйлагини кўрсатиб, бу кўйлак бизнинг юртимизда ишлаб чиқарилган, дейишади.

Бир куни Динмуҳаммад кўча чеккасида турган «Нексия» автомашинасини кўриб, мана шу автомобиль менинг Ватанимда ишлаб чиқарилган, деди. Йигитлар анчагача машинадан кўз узмай туришди.

Ўзга юртда атрофингдагиларнинг, ўзга юртликларнинг кўзида сенга ва Ватанингга ҳавас учқунларини кўриш — инсон учун жуда катта фахр.

Баҳс

— Англияда ҳар бир ўқув даргоҳи ўз ўқув дастури ва услубига эга, — дейди Темур. — Таълим дастури тор, фақат мутахассисликка йўналтирилган. Шунинг учун ҳам ўзбекистонлик ёшлар иқтисод, компьютер соҳасида инглиз ёшларидан орқада қолмаган ҳолда, умуман олганда, дунёқараши, савияси жиҳатидан устун туришади.

Хўш, қайси дастур афзал?

— Инсон қобилияти чекланган, — жавоб қилди Темур. — Инсон миясининг жуда кўп ахборотларни сиғдира олмайди. Шунинг учун ўзи шуғулланадиган соҳани чуқур билгани муҳимроқ...

Унда комил инсонни тарбиялаш мақсади нима бўлади?

Йигитчалар билан узоқ тортишиб, ҳулосамиз шу бўлдики, тарих, чет тили, ҳуқуқни ўрганиш, спорт билан шуғулланиш инсоннинг ўз эҳтиёжига айланиши керак. Бу эҳтиёж эса жамият хусусиятларидан келиб чиқади.

Йигитларнинг турли мавзулардаги эркин фикрларини эшитиб, Нукус давлат университети проректори Ниятбой Утеулиевга ёшлар билан учрашув вақтини тайинлаб, суҳбат мавзуи ҳақида огоҳлантиришни илтимос қилганимда, унинг хотиржам бўлинг, огоҳлантириш шарт эмас, деган сўзларининг мазмунини тушундим.

Укаларимни эшитиб ўтириб, ўзимнинг шу ёшдаги даврим эсимга тушди.

... Илмий коммунизм фани ўқитувчиси, Германия сафарида бўлиб қайтган дўстининг (у вақтда чет элга чиқиш жуда кам одамларга насиб этар эди) сафар таассуротларини гапириб берар экан, у юртда сотувчисиз дўконлар бўлар экан, керакли нарсани ўзинг тарозида тортиб, ҳақини ҳисоблаб, ташлаб кетар экансан, деди.

— Унда Германияда коммунизм қурилган экан-да, — оғзимдан беихтиёр шу савол чиқди. Саволни ўзимча тўғри деб ўйлаган эдим, негаки, бизга энг адолатли жамият — коммунизм, коммунизмда ўғрилар бўлмайди, прокурорлар ишсиз қолади, деб айтишарди-да.

Қандай жавоб беришганини билишни истаётган бўлсангиз, марҳамат: ноўрин савол берганим учун роса дакки эшитдим...

Ишонч

Инсон кимгадир, нимагадир суянади. Ота-онасига, қариндошига, эътиқодига суяниш — ҳар бир комил инсонга хос хислат.

Бир неча соат ичида жигаримдек бўлиб қолган бу ёшларнинг яна нимага суянишларини билишни истайман.

Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган сўзлари ҳамиша қулоғимизда жаранглаб туради.

— Президентга суянамиз, — дейишди йигитлар.

— Ватанга суянамиз, — дейишди яна улар.

Эртага Президент ҳам, Ватан ҳам шу йигитларга — Ўзбекистон мустақиллигининг келажагига суянишини ҳис қилишармикан?

Ҳис қилишади.

Уларнинг кўзларидаги ишонч айтиб турибди буни.

Буни уларнинг кўзларидаги қатъият айтиб турибди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тахиатошдан Кембрижгача

қорақалпоқнинг боласига бир қадам бўлди

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

«Ўзбекистон — буюк келажак сари» танловига

МИЛЛИЙ САНОАТ: ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Салкам бир ойдан сўнг Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллигини нишонлаймиз. Бу улуғ байрам онгимизга, шуурримизга чексиз фахр туйғуларини муҳрлайди, қувончу ҳаяжонимизни жунбушга келтиради. Бундай кезларда келажакнинг ойдин йўли янада равшанроқ кўринади, эртанги кунга ишонч ва эътиқод кучаяди. Лекин босиб ўтилган йўлга — ортга бир назар ташлаш, қўйилган қадамларнинг салмоғини чамалаш ҳам фойдадан холи эмас. Келажаги буюк мамлакатимиз САККИЗ йилдаёқ кўлами ва салмоғини баҳолашга даврнинг ўлчовлари ожизлик қиладиган улкан йўлни босиб ўтди. Ҳаётимизнинг барча жабҳасини янгилаш ва тараққиёт эпкини қамраб олди. Айниқса, мамлакатимизнинг миллий саноати алп одимлар билан ривожланмоқда. Шуни ҳисобга олиб, таҳририят миллий саноатимиз ҳақида туркум мақолалар эълон қилаяпти. Бугунги саҳифамиз мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи — нефть ва газ саноатига бағишланади. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раисининг ўринбосари, геология-минерология фанлари доктори Асрор ОБИДОВ билан суҳбатимиз шу ҳақдадир.

Ўзбек нефти ва гази

— Асрор ака, суҳбатимиз аввалида Ўзбекистон нефть ва газ саноати тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— Мамлакатимизда нефть қазиб олиш саноатнинг энг қадимий турларидан ҳисобланади. Узоқ тарихда Ўзбекистон ҳудудида кўплаб нефть бойликлари ернинг устки қатламига табиий равишда чиқиб ётгани ҳақида маълумотлар бор. Масалан, Плутарх ва араб географи Истарх ва уларга ўхшаш бошқа тарихчиларнинг асарларида бу ҳақда кўплаб далил топишингиз мумкин.

Энди саноатда нефтни қайта ишлаш масаласига келсак, биринчи бўлиб 1885 йилда Д.П. Петров деган нефтчи Фарғона водийсида иккита қудуқдан нефть қазиб олишга ва уни ўзининг шахсий кичик заводида қайта ишлашга муваффақ бўлган. Қайта ишлаш натижасида олинган керосин араваларга ва туяларга юкланиб Андижон, Тошкент, Кўқон пахта заводларига, мойжувозларга ва аҳолига сотилган. Нефть қолдиқлари эса темир йўл машиналарига ёқилғи сифатида ишлатилган.

Кўриб турганингиздек, бундан 100 йилдан ошиқроқ вақт муқаддам нефть саноатига асос солинган бўлса-да, фақат 1953 йилга келиб Қизилқум саҳросида Сеталонтепа газ заҳирасининг очилиши Ўзбекистон нефть ва газ саноатига асос солди. 1962 йилга келиб, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги Урал ва Европа саноат корхоналарини табиий газ билан таъминлаш мақсадида «Бухоро-Урал» ва «Ўрта Осиё-Марказ» трансконтиненталь газ қувурлари ётқизилган.

— Шу ерда сўзингизни бўлсак: собиқ шўролар ҳукумати даврида ҳар йили республикамиздан четга қанча миқдорда нефть ва газ олиб чиқиб кетилгани ҳақида аниқроқ маълумот берсангиз?

—Бу саволларингизга алоҳида-алоҳида жавоб бермасам бўлмайди. Чунки мамлакатимизда нефть саноатига газ саноатидан 68 йил муқаддам асос солинганига қарамасдан, биз ўзимизни нефть маҳсулоти билан таъминлай олмаганмиз. Масалан, 80-йилларда республикамизга ҳар йили четдан 6 миллион тоннагача нефть маҳсулотлари ташиб келинарди. Лекин айни ўша вақтда республикамиздан ташқарига 7-8 миллиард кубометр газ чиқиб кетган.

— Айтингчи, мустақиллик даврида бу соҳада қандай ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунда бир йилда қанча нефть ва газ қазиб олинмоқда ва унинг қанчаси четга сотиляпти?

— Бу саволингизга жавоб берар эканман, Президентимиз И. Каримовнинг мустақиллигимизнинг биринчи йилиданоқ бу соҳага катта эътибор қаратганларини таъкидлаб ўтишни истардим. Юртбошимизнинг кўрсатмалари билан нефть ва газ саноати республикадаги етакчи саноатлардан бири сифатида қабул қилинди. 1992 йилнинг декабрида собиқ нефть, газ ва нефтни қайта ишлаш ва шунга алоқадор бошқа соҳалар ислоҳ қилиниб, ягона ишлаб чиқариш мажмуига бирлаштирилди. Яъни қазиб олинишдан тортиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилгунча бўлган жараён битта занжирга бириктирилди.

Бугунги кунда «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси биринчи даражали ёнилғи ишлаб чиқаришнинг 95 фоизини ўз ичига олади. Биз республикамиз раҳбарининг нефть ва газ соҳасидаги кўрсатмалари ҳақида сўз юритар эканмиз, бу масалага ташқаридан туриб назар солсак, яхшироқ бўларди. «Капитал» журнали 1997 йил ноябрь ойида чоп этган (муаллиф Сергей Вереземский) «Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришди» мақоласида шундай ёзади: «Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Сапармурод Ниёзов ёки Нурсултон Назарбоевдан фарқли равишда қувур йўллари лойиҳасини ёқлаш ташаббуси билан чиққани йўқ. Бироқ, маблағ ва хомашё ҳозир бўлиши билан у ўз мамлакатида бундай лойиҳалар учун ҳар доим ўрин топилишини ҳам назардан қочирмади. Ўзбекистон ўзининг экспорт сиёсатини нефть ва газни чиқитга чиқармасдан, тўлиғича қайта ишлашда, деб тушунди. Ва бу йўналишда катта муваффақиятларга эришди».

Ҳар ҳолда ўзингникидан кўра, бировнинг тан олгани ютуқларни аниқроқ баҳолашга имкон беради, деб ўйлайман. Юқорида тилга олинганидек, юртбошимизнинг кўрсатмалари билан 1993 йилдан бошлаб «Ўзбекнефтгаз» ташкилоти ўз соҳасида муайян ривожланишлар бўйича катта иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. Ўтказилган тадбирлар, белгиланган режаларнинг бажарилиши нефть ва газ топилмаларининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшди. 1995 йилда 7,6 миллион тонна нефть ва газ конденсати қазиб олиниб, мамлакатимиз амалий равишда нефть мустақиллигига эришди. 1998 йилда республикамиз истеъмол талабини тўла қондирадиган даражада суюқ углеводород қазиб олишга эришди. Газ бўйича ҳам республика истеъмол талаби қондирилиб, бир неча миллиард кубометр газни экспорт қилиш имконияти бор.

— Нефть ва газ хомашёсини мукаммал қайта ишлаш борасида қандай ишлар амалга оширилди. Келажакда нима ишлар қилиш режалаштирилмоқда?

— Яқин йилларда амалга оширилган ишларимиздан ишга тушган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилганлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Заводнинг биринчи навбат қурилиши 1995 йил май ойида бошланиб, 1997 йилнинг 22 августида тугалланди. Қурилиш ишлари Франциянинг «Теснип», Японияннинг «Марубени», «Джей-Джи-Си» компанияларидан ташкил топган консорциум билан ҳамкорликда амалга оширилди. Завод лойиҳасининг биринчи навбатини ишга тушириш 497 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб қиларди. Ана шу сарфланган маблағнинг 40 фоизи, яъни 235 миллион АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукумати ўз зиммасига олди. Франциянинг «Кофос» ва Японияннинг «Эксимбанк»и эса умумий харажатнинг 30 фоизи миқдорида ёрдам бердилар. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотлари ўзининг сифат даражаси бўйича жаҳон андозаларига мосдир.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган катта ишлардан бири сифатида яна тўлиқ таъмирланаётган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини ҳам мисол келтиришимиз мумкин. Японияннинг «Мицуи» ва «Тойо инжиниринг» фирмалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган бу лойиҳага Ўзбекистон 20,7 миллион АҚШ доллари миқдорида, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки 90 миллион АҚШ доллари миқдорида ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Юқоридаги лойиҳанинг амалга оширилиши таркибида юқори миқдорда олтингугурт борлиги билан ажралиб турадиган ўзбек нефтининг чуқур ва мукаммал қайта ишланишини таъминлайди. Гидродесульфуризация мосламаларини қуриш, нефтни қайта ишлашдан олинаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш билан биргаликда, атроф-муҳитнинг экологик софлигини таъминлаш учун ҳам катта хизмат қилади.

Юқоридаги икки лойиҳа нефтни қайта ишлашни янада чуқурлаштиришга қаратилган бўлса, АҚШнинг «АББ Луммзе Глабол», Японияннинг «Мицуи» ҳамда «Нишо Иваи» компанияларидан иборат консорциум билан ҳамкорликда олиб борилаётган «Шўртангаз» кимё мажмуининг қурилишлари газни қайта ишлаш саноатида янги босқичга кўтарилишимизга ёрдам беради. «Шўртангаз» кимё мажмуида олиб борилаётган ишлар ниҳоясига етгач, бир йилда 125 минг тонна полиэтилен, 187 минг тонна суюқ газ, бир неча ўн минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз. Ўзбекистоннинг бир қатор конларидаги газларнинг таркибида бўлган этан, пропан, бутан ўзининг сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шундай қилиб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг фойдаланишга топширилиши, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг таъмирланиши, «Шўртангаз» кимё мажмуи қурилиши республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширади.

— Ҳаммамизга маълумки, яқин ўтмишимизда, яъни собиқ Иттифоқ даврида халқимиз «дарёнинг бошида яшаб сув ичмаганлар»га ўхшарди. Аниқроғи, қишлоқларимиздан ўтган қучоққа сиғмас газ қувурларини кўриб ваҳминг келарди-ю, шўрлик қишлоқлар аҳолиси газ нималигини билмай яшарди. Ахир ўша йилларда «газини Уралга бериб таппи ёққан ўзбегим», деганга ўхшаш қўшиқлар бекорга тўқилмаган-да.

— Мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари орасида аҳолиси сони ва тутган мавқеи жиҳатидан энг нуфузлиси десак, ҳеч ким эътироз билдиролмайди. Аммо шуни рўй-рост тан олишимиз керак-ки, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлашга, оддий деҳқонларимизнинг турмуш тарзини яхшилашга деярли эътибор берилмаган.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ, шахсан юртбошимизнинг ташаббуслари билан ишлаб чиқилган аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши бугунги кунда ўзининг залворли натижаларини бермоқда. Келинг, бу фикримизни ҳам рақамлар ёрдамида мустаҳкамлайлик. Масалан, республикамиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этадиган қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш 1998 йилда 60 фоизга етди. Ваҳоланки, бу рақам 1992 йилда 25, 6 фоизни ташкил этарди.

Ҳудуди нефть ва газ конларига бой бўлган Қашқадарё вилоятида жуда сезиларли силжиш бўлди. Бу вилоятнинг қишлоқлари 1992 йилги маълумотларга кўра, 6,6 фоиз газлашган бўлса, 1998 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 33,5 фоизга кўтарилди.

Бу борада яқинда АҚШнинг Би-Эс-Ай компанияси билан ҳамкорликда ниҳоясига етказилган ва ишга туширилган Хўжаобод газ омбори Фарғона вилоятини табиий газ билан мунтазам таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

— Ўзбекистоннинг нефть ва газ мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг қандай йўллари ва йўналишлари мавжуд? Бунинг учун биринчи навбатда нималар қилиш зарур?

— Ватанимиз Президенти И.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларида нефть-газ саноатини ривожлантиришнинг уч стратегик йўналишини аниқ-равшан аниқлаб берган эдилар. Биринчиси, мамлакатни ўзимизда қазиб олинаётган хомашё билан таъминлаш, яъни нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш. Иккинчиси, соҳада илғор технологияларни жорий этиб, нефть ва газни мукаммал қайта ишлашдир. Айтиш мумкинки, бугунги кунда бу вазифаларнинг ечими рўёбга чиқиб, ўзининг самараларини бермоқда. Навбатдаги вазифа эса нефть ва газ саноати хомашё базасини мустаҳкамлаш, янги нефть ва газ конларини очишдир. Шу муносабат билан «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси учун чет эл инвестицияларини жалб этиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишда — янги нефть ва газ конларини қидириш ва излаб топиш, эски ва янги конларни ишлатишда жуда астқотади

Иқтисодиётнинг нефть ва газ секторига инвестициялар жалб этилишида 1996 йил июнда Хьюстонда (АҚШ) ва ўша йилнинг декабрида Токиода (Япония) ўтказилган Ўзбекистон нефть ва газ салоҳиятининг тақдимоти, шунингдек Ўзбекистонда ҳар йили ўтказилаётган анъанавий халқаро конференция ва кўргазмалар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Республика раҳбарияти нефть ва газ саноатини жадал ривожлантириш мақсадида чет эллик ҳамкорлар ва сармоядорлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида кўп томонлама музокаралар олиб бормоқда. Бинобарин, экспертлар бугунги кунда собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа республикаларга нисбатан Ўзбекистонда чет эл сармояларини жалб этиш учун энг қулай ҳуқуқий асослар яратилганини эътироф этишмоқда. Дарҳақиқат мамлакатимизда чет эл сармоялари учун имтиёзли солиқлар белгиланган. Мулкнинг сақланиши ва олинган фойдани эркин тасарруф этиш кафолатланган. «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Чет эл сармоялари ва чет эллик сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар мамлакатимизга чет эл сармояларининг кириб келишига ижобий таъсир кўрсатди. Айни пайтда «Ўзбекнефтгаз» компанияси мутахассислари «Клиффорд Чанс» (Англия) ва «Хаглэр Баи» (АҚШ) ҳуқуқий фирмаларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда «Нефть ва газ тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида олиб борилаётган ишлар ниҳоясига етказилди.

Ўзбекистондаги қулай меъёрий-ҳуқуқий асослар билан бирга ундаги улкан нефть ва газ салоҳияти мавжудлиги ҳам кўпчилик ишбилармонларни ўзига жалб этмоқда. Республика ҳудудининг 60 фоиздан кўпроғи қидирув ишлари учун истиқболлидир. Мамлакатнинг умумий углеводород потенциали 1052 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланади. Шу боисдан нефть ва газ конларини излаш, қидириб топишга чет эллик сармоядорларни биргаликда ишлашга қизиқтириш биринчи даражали вазифа ҳисобланади. Айниқса бу ҳали кам ўрганилган Усть-Юрт минтақаси учун жуда муҳимдир. Ушбу вазифаларни ҳал этиш янги-янги нефть ва газ конларини очиш, пировардида республикамизнинг хомашё базасини янада мустаҳкамлаш имконини яратади.

— Ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси Миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Бундан кўзланган мақсад нима ва у тизимга қандай ўзгариш олиб киради?

— Корпорацияни холдинг компаниясига айлантиришдан асосий мақсад — бошқарув таркибини, яъни тасарруфимизга ўтказилган мулкни бошқариш таркибини ўзгартиришдир.

Нефть ва газ тармоғи ўзига хос хусусиятга эга. Бинобарин, унинг ривожланиши, тармоқдаги барча корхоналарнинг яқдил, ягона механизм бўлиб ишлашига, пировард натижа учун бутун куч-ғайратни бир жойга жамлаб йўналтиришга боғлиқ. Геологик ва геофизик корхоналарга бир хўжайин, қазиб олувчи корхоналарга иккинчи, қайта ишлаш корхоналарига учинчи биров хўжайин бўлса, ҳар ким ўзи билганича иш юритади, натижада бутун тармоқ олдига қўйилган режалар барбод бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун тармоқдаги барча корхоналар акция пакетларининг давлатга тегишли улушини бирлаштиришга қарор қилинди.

Шу тариқа республика иқтисодиётининг алоҳида муҳим тармоғи маъмурий-буйруқбозлик эмас, балки бирмунча демократик усуллар қўлланувчи бозор механизмлари билан бошқариладиган бўлди.

Холдинг компания бошқарувида, унинг кузатув, ижроия ва назорат органларида жамоа аъзолари, ҳиссадорларнинг бевосита қатнашуви таъминланди.

Бу тузилма «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясининг жаҳон жамоатчилиги ўртасидаги обрўсини ҳам оширади ва чет эллик ҳамкорларнинг бизга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Суҳбатдош
Норбобо ШАКАРОВ

Мамлакатимизда 1991-1998 йилларда газ қазиб олишнинг ўсиши.
(млрд.куб м.)



Мамлакатимизда 1991-1998 йилларда нефть ва газ конденсати қазиб олишнинг ўсиши.
(млн.тонна)





Бойликлар қайтариладими?

Германия бош вазири Михаэль Науман Россия Конституциявий судининг иккинчи жаҳон уруши пайтида Германиядан СССРга олиб кетилган маданий қадриятларни қайтариб бермаслик тўғрисидаги қарори Россия Президенти Борис Ельциннинг ваъдаларига бутунлай зид келяпти, деб баёнот берди.

Немис радиосида бу ҳақда гапира туриб маданият вазири Германия Россиядан барча халқаро мажбуриятларни бажаришни талаб қилади, деб айтди. Бу масала ҳал этилмас экан, нацистлар томонидан Россиядан олиб кетилган барча моддий ва маънавий бойликлар ГФРда қолади, деди Науман. Германия Россиядан тахминан беш миллион дона санъат буюмлари, шу жумладан, Гутенберг Библияси, Троя хазинаси ва минглаб ноёб тасвирий санъат асарларини талаб қилмоқда.

«Мир» станциясининг тақдири

Россия бош вазирининг ўринбосари Илья Клебанов эскириб қолган «Мир» космик станциясини фазода ушлаб туриши мумкин эмас, деб баёнот берди. Ҳозирги экипаж август ойида «Мир»ни тарк этиши керак. Кейинги олти ой давомида станция космонавтларсиз ишлайди. Агар янги командани юбориш учун 250 миллион доллар топишнинг имкони бўлмаса, «Мир»ни фазодан тушириб юборишга тўғри келади.

Янги савдо битими

Буюк Британиянинг «Firgt Group» йирик автобус корпорацияси Америка Қўшма Штатларининг «Ryder System» корпорацияси бўлинмаларидан бирини сотиб олаётганини маълум қилди. «Ryder System» мактаб автобусларини ишлаб чиқариш бўйича АҚШда иккинчи ўринда туради. Маълумотларга кўра, хариднинг жами ҳажми 940 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Чигирткалар келтираётган зарар кўпаймоқда

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, шу кунларда Қозоғистоннинг Атиров вилояти экин майдонларига чигирткалар галаси ёпирилган.

Экинларни тап-тақир қилиб кетаётган Осиё чигирткаси ва Италия прусси деб аталадиган бу зараркунандалар келтираётган зиён фақат ярим миллион гектар экин майдони билан чеклангани йўқ. Осмондан булутдай ёпирилиб келаётган офат янгидан янги экин майдонларини ўз гирдобига олмоқда. РАТА-ТАСС ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, шусиз ҳам иқтисодий тангликни бошидан кечираётган Қозоғистоннинг давлат хазинасида чигирткаларга қарши кураш ва кўрилаётган зарарни қоплаш учун маблағ етишмаяпти. Маҳаллий ҳокимият оғир вазиятни қай тарзда бартараф этиш йўлини қидираётган бир пайтда чигирткалар галаси Атиров вилоятининг марказига яқинлашиб қолди. Шаҳар атрофидаги дала ҳовлилари ва томорқалар чигирткалар галаси ҳужумига аллақачон рўпара бўлган.

Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда, бугунги кунгача чигирткалар 8,5 миллион гектар суғориладиган майдонга зарар етказган. Очофат чигирткалар галаси мамлакатнинг бошқа бир қанча вилоят марказларига ва хусусан, пойтахт Остонага ҳам етиб келган. Табиий офат чегара билмаётир.

Сўнгги хабарларга қараганда, чигирткалар галаси Қозоғистонга қўшни Россия Федерацияси ҳудудларига яқинлашиб қолган.

«Туркистон — Пресс» ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Тупроғи олтин, ғишти тарих...

Жиззах вилояти маънавият ва маърифат маркази ходимлари Ғубинота зиёратгоҳидаги эски масжиддан халқимизнинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи китоб топдилар. Араб алифбосида ёзилган, варақлари сарғайиб чириган, нам туфайли ёзувлари бир бирига қоришган бу топилмада йилларнинг қатағон даври акс этгандай. Тахминларга қараганда,кимдир китобни сақлаб қолишнинг имконини тополмай, сув ўтказмайдиган матоҳга ўраб ерга кўмишга мажбур бўлган.

—Менинг отам ҳам кўплаб китобларини қабристонга кўмишга мажбур бўлган, — деб кафолат беради Ғаллаоролнинг Коризқудуқ қишлоғида яшовчи Ҳасан ака Назаров. — Айтишларича, отам Мулла Назарқосим илмли, бўлаётган воқеаларга онгли муносабат билдирган киши бўлган. Биз кўмилган китобларнинг намуналарини топдик, ҳозир улар билан олимларимиз Худойберди Дониёров ва Иноятилло Сувонқуловлар шуғулланишмоқда.

Юртимиз ҳақида гап кетса ҳар қисм тупроғи олтин, ғишти тарих сўзини қўшадилар. Не-не асарларимиз тупроқ билан қоришиб ётибдикин?!.. Президентимизнинг қатағон йилларда поймол бўлган маданиятимизни тиклаш ҳақидаги кўрсатмалари туфайли диёримизнинг турли бурчакларида олтин ёмбидай нур таратиб чиқаётган маънавиятимиз тимсолларини кўриб худога шукр қиласан. Иншоолло, мустақиллигимиз туфайли шундай кунларга етдик. Самарқанд давлат университетининг профессори Нурбой Аберқуловдан Қурғонча қишлоғидаги тошларда ғаройиб ёзувлар борлиги, ҳатто нуктадонлар ҳам уларни ўқий олмаётганини эшитганимда халқимиз маданий тарихи жуда чуқур эканлигига имон келтирганман. Энди улар ўз тадқиқотчиларини кутади. Ажаб эмас, бу битиклар маънавиятимизнинг муҳим қирраларини очиб юборса?

— Хайрли ишга ташкилотлар, хўжаликлар, мактаб ва муассасаларнинг кенг жамоатчилиги жалб этилган, — деб суҳбатимизга қўшилди Ғаллаорол тумани маънавият ва маърифат маркази раҳбари Товбой Хўжамбердиев. — Кенг жамоатчиликнинг ёрдами туфайли Илон ўтди дарасидаги битикларни муҳофаза қилияпмиз. Саъд абу Ваққос зиёратгоҳи ривоятларини тўпладик. Қоровултепа, Хонимқўрғон ҳудудларида тарихий жойлар мавжудлигини аниқладик...

Вилоят тарихини ўрганишда маънавият ва маърифат ходимларига табиатни муҳофаза этиш ходимлари яқиндан ёрдам беришаяпти. Сабаби, вилоятдаги тарихий манбаларнинг ҳаммаси табиат қўйнида жойлашган. Яқинда табиатни муҳофаза этиш қўмитаси раҳбарлари маънавият ва маърифат маркази ходимлари билан кўргазмали семинар ўтказишди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Ислом илмлари соҳасида бизнинг улуғ аждодларимизнинг яратган бой қадриятлари ва анъаналари ислом назариясининг ривожланишига муҳим асос бўлди. ЎзбекистонРеспубликаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан Тошкентда Ислом университети ташкил этилганлиги қувончлидир. Ушбу соҳада етук, малакали кадрлар тайёрлаш, ўзбек халқининг ислом динига оид бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш, тиклаш ва бу соҳадаги тадқиқотларни ривожлантиришда янги дорилфунуннинг аҳамияти катта бўлиши кутилмоқда.

Маълумки шу йилнинг 1 августида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди. Ана шундай қувончли воқеа Тошкент Ислом университетида ҳам кўпчилик ёшларни қамраб олди. Ўйлаймизки ушбу имтиҳондан энг билимли, энг муносиб йигит-қизлар муваффаққиятли ўтадилар.

Суратда:
тест синовлари пайти.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Гўшт қадоқлаш йўлга қўйилди

«Қаршигўшт» ҳиссадорлик жамиятида мол гўштини тунука банкаларда қадоқлаш йўлга қўйилди.

Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар ўрнатилган мазкур цех бир кеча-кунузда минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Жамият раиси Ҳ. Эргашевнинг таъкидлашича, бу маҳсулотлар четдан олиб келинаётган буғланган гўшт ўрнини тўлиқ боса олади. Уни истеъмолга чиқариш учун вилоят стандартлаштириш ва хизматларни сертификатлаш ҳудудий маркази ҳамда вилоят санитария эпидемиология станцияси томонидан рухсатнома олинган.

Илҳом КАРОМОВ

Гўзаллик тасвири

Намангандаги «Нодирабегим» номли вилоят кутубхонасида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошқаруви ташаббуси билан «Аёл—нафосат мамлакати» деб номланган кўрик танлов якуний босқичи бўлди. Танловда вилоятда яшаб ижод этаётган шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, ҳунармандлар, талаба ва ўқувчилар иштирок этдилар. Унда юксак маҳорат, эстетик дид билан ишланган 200 га яқин бадиий, тасвирий, ҳунармандчилик асарлари кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Рассом Эркин Азизов 5 та асари, яъни, аёлларга бағишланган ранг-тасвир суратлар галереяси учун 1-ўрин ғолиби деб топилди. Журналист Рисқиҳон Мажнунованинг «Кемтик дунё» номли китобига 2-ўрин берилди. Ҳунарманд Аъзам Валиев «Шарқ миниатюра галереяси» асарлари учун 3-ўрин соҳиби бўлди. Рағбатлантирувчи ўринларга эса шоир Зиёвуддин Мансуров, ҳайкалтарош Маҳмуд Раҳимбердиев, халқ амалий санъати устаси Илҳом Иброҳимовлар муносиб кўрилди.

Садбархон ЖЎРАЕВА

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекбирлашув» ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари 1999 йилнинг 5 августидан 10 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

«Мактаб бозорлари»

ташкил этади

Сизлар ушбу

«Мактаб бозорлари»дан

ўқув қуроллари, адабиётлар ва дарслик китоблари ҳамда 20 фоизгача

арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.

Мактаб бозорларига хуш келибсиз, азиз дўстлар!

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ЖУМА 6

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
9.00 «Хамкорлик ришталари».
9.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол фидойилари». «Унутмас мени боғим». Усмон Носир.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаёт чашмалари».
10.30 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
11.10 «Сомон йўли».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.40 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.05 «Кичкинтой устахонаси».
12.30 «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи».
13.35 1999 — Аёллар йили. «Аёл борки, олам мунаввар».
14.10 Шарқ тароналари.
14.30 Кундузги сеанс . «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
16.00 «Қишлоқ стадионларида».
16.20 «Мусиқа ва замон».
16.50 «Ғаройиб ходиса». Бадиий фильм.
18.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Сиҳат- саломатлик».
18.45 «Тўртинчи ҳокимият».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20, 23.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йилллига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Баркамол авлод орзуси».
21.40 «Назм ва наво». Машраб лирикаси.
22.25 «Таббасум кўчаларида». 1-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Сўлим мавсум». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Жажжи давра», Мульттомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ».
19.40, 20.35, 23.10-Эълонлар.
19.45 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.40 «Саломат бўлинг». 6-кўрсатув. Ёшлар ва тамаки.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Аср қиёфаси».
21.55 «Мустақиллиқнинг 8 йиллигига». Талабалар шаҳарчаси.
22.10 «Наволарда аён этсам_». Мусиқий дастур.
22.20 «Истиқлол қайтарган номлар: Саид Аҳрорий».
22.35 «Автосалтанат».
22.50 Жаҳон эстрадаси.
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.15 Синема. «Тунги хотиралар».
01.50 «Мунаввар тонг истаб».

ТНТ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Ханда дўкони».
11.35 «Фаровонлик бекати».
12.00 «Кўзгу». Тележурнал.
12.25 «Спорт оламида».
12.40 «Жума оқшомида».
13.05 Кинонигоҳ.
14.40-15.55 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телесериал.
19.10 «Дилором наволар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20:00 Ўзтелерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яна бир учрашув».
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 Катталар учун эртак.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Тунчироқ.
00.25 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 Кинонигоҳ.
02.10 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4 да немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Атиргул ғунчаси». 1-серия.
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм. (якунловчи серия)
19.10 Ҳужжатли детектив. «Директорни ўлдириш» фильми. 1997 йил иши.
19.40 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.35 Алла Пугачёва. Танлаган концерт дастури.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурджаршан».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Эътироф».
22.00 «Вести».
22.35 Кинонинг олтин асри. «Рим империясини қулаши». Бадиий фильм.
01.25 «Ахборот» (рус тилида)
01.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 Канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-ҳамкор». «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларнинг асирлигида». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ ва рақкоса».
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА 7

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ватандин яхши ёр бўлмас». Мусиқий дастур.
9.15 Хидоят сари.
9.40 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
9.55 Телевизион миниатюралар театри.
10.30 «Мен туғилган тупроқ».
«Умид» намойиш этади:
10.50 «Орзулар қанотида».
11.20 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
11.50 «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
12.15 Кундузги сеанс: «Икки дил достони». Бадиий фильм.
13.50 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.25 «Ёзувчи ва замон».
14.50 «Ринг». Спорт дастури.
15.25 «Ёш хонандалар концерти».
16.00 «Камолот сари».
16.20 «Хотира». Ҳамза Умаров.
17.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Энг улуғ, энг азиз» танловига «Озод ва обод юрт».
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Қишлоқ ҳаёти».
21.40 «Буюк келажак 2000». Телемарафон.
22.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Андижон» (Андижон)
22.55 «Табассум кўчаларида». 2-қисм.
23.50"Ахборот».
00.20 «Санъат усталарининг концерти».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
00.55 «Куй ва тасвир».
01.15 Нақадар тотли сўз. «Озодлик». «Шерюрак». Бадиий фильм. 1-серия.
03.00-03.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 69-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.15 «Марду-майдон».
11.35 «Умаржон Маҳкамбоев куйлайди».
11.50 «Истиқлол қайтарган номлар»: Усмон Азимнинг Чўлпонга бағишланган «Кундузсиз кечалар» асари асосида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.35 «Мусиқий лаҳзалар».
13.40 «Рамаяна». Телесериал.
14.15 «О,ёшлигим...».
14.35 «Мусиқий глобус».
14.55 «Тарзан». Телесериал.
15.40 «Шу куннинг мавзуси».
16.00 Синема.
17.10 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
17.40 «Сенинг вақтинг».

***

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Келинг, танишайлик», Мульттомоша)
18.35 «Мусиқа теграсида».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.40-Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
21.00 «Давр». Ахборот дастур.
21.30 «Мусиқий лаҳзалар».
21.35 «Мафтункор чеҳралар».
21.55 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
22.05 «Мустақилликнинг 8-йиллигига». «Баҳс,мунозара, таҳлил».
22.25 «Кутилмаган меҳмон».
22.45 «Шарқ тароналари».
23.15 «Ёшлар» телеканалида.
23.15 «Сир».
23.35 «Ёшлар» телеканалида.
23.45 Синема. «Қон ва шароб»
01.25 «Хайрли тун!»

ТНТ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Таянч».
10.20 Болалар экрани.
11.50 «Ибрат».
12.20 «Бева Бланка». Телесериал.
13.05 «Ёшлар ҳудуди».
13.25 «Дўстлик» видеоканали. «Дидар», «Немис шарҳи».
14.10-15.50 Кинонигоҳ.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Уйинленд-шоу». Телеўйин.
18.20 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телесериал.
19.00 «Мисли гавҳар».
19.20 «Дилором наволар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Камертон».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ.
00.30 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. Жан Рено «Рим империясини қулаши» фильмида.
11.00 «Жонли сайёра».
11.15 «Болалар олами».
11.30-12.00 «6х9». Телеўйин.

***

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
17.55 «Экран зийнати».
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Кумуш серия. Луи де Фюнес «Жандарм уйланади» комедиясида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.15 «Дил изҳори».
22.20 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.30 «Юлдузли чорраха».
23.10 Кинематогроф: «Юракка яқин». Бош ролда Мишель Пфайфер.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 Канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.25, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.30 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
13.30 «Оддий кучук». Жониворлар ҳақида дастур.
14.15 «Ўлжа». Детектив сериал (АҚШ).
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «30-канал»да саргузаштлар соати».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга саёҳат.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Мусиқий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА 8

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак — 2000». Телемарафон.
9.30 «Ер ва диёр тароналари». Мусиқий дастур.
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мен билган, билмаган дунё».
11.25 «Нурли келажак».
11.45 П. Қодиров «Жон ширин». Видеофильм.
12.25 «Шоҳруҳ» клуби.
12.55 Кундузги сеанс: «Метичара — денгиз жонивори». Бадиий фильм.
14.15 «Илм олами: янги аср бўсағасида».
14.35 «Бўстон». Тележурнал.
15.05 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.45 «Мозийдан бир мўъжиза».
16.00 «Ватан тимсоллари».
16.05 «Аруз гулшани».
16.15 Нақадар тотли сўз. «Озодлик» . «Шерюрак». Бадиий фильм. 1-серия.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Қалбимиз ардоғида».
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ,22.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.25 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
22.15 Спорт дастури:
1. «Футбол майдонларида».
2. Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган)-»Дўстлик» (Тошкент вилояти)
23.15 «Оила». Тележурнал.
23.45 ТВ- 1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси». Кинодастури.
24.00 Кино янгиликлари.
00.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
00.35 Нақадар тотли сўз. «Озодлик» . «Шерюрак». Бадиий фильм. 2-серия.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
10.40 «Инглиз тили сиз учун».
11.05 «Ёшлар» телеканалида.
11.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 70-қисм.
12.00 «Лаззат».
12.20 «Бастакор Шоҳида Шоҳимардонованинг янги қўшиқлари».
12.30 «Цирк, цирк, цирк».
12.50 «Ёзгил таътил». «Фил йўқолди». Бадиий фильм.
14.00 «Чироғи ёниқ уй».
14.25 «Рамаяна». Телесериал.
15.00 «Болалар дунёси».
15.20 «Эркин фикр».
15.40 «Мусиқий лаҳзалар».
15.50 «Мутойиба».
16.15 Синема.
17.30 «Шарқ тароналари».

***

18.00 Янги авлод» студияси намойиш этади («Ўйна, болажон, ўйна», Мульттомоша)
18.30 «Очун».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Энг улуғ,энг азиз» танловига: «Шарқ гавҳари».
19.45 «Бир жуфт кўшиқ».
19.55, 20.30, 23.30-Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Дунё — ҳафта ичида».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлол менинг тақдиримда».
21.35 «Синфдош».
21.55 «Спорт ҳафтаномаси».
22.25 «Ёлғизгинам». Юлдуз Усмонова
23.25 «Ёшлар» телеканалида.
23.35 Синема. «Қариндошлар».
01.15 «Тонг юлдузи».

ТНТ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
10.00 Болажонлар экрани.
11.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам
11.50 «Дурдона».
12.10 «Бева Бланка». Телесериал.
12.55 «Туризм ҳақида».
13.25 «Хориж хангомаси».
13.45 «Спорт-тайм».
14.10-15.50 Такрорий фильмлар экрани.

***

17.55 «Якшанбадан-якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Пойтахтимиз жамоли».
19.05 Табриклаймиз, қутлаймиз.
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома».
20.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ватанни севмоқ иймондандур».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ибрат».
21.40 «Якшанбадан якшанбагача».
21.55 «Даллас». Телесериал.
22.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ.
01.10 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.10 «Парле ву франсэ?»
10.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
10.45 Кинематограф: «Йўқолган сайёра учун жанг» Бадиий фильм.
12.10 «Фан-тайм» (болалар учун инглиз тили)
12.20-13.15 «Дўстлик» видеоканали. «Маврид», «Рангинкамон», «Диллар дилга туташган».

***

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Тенгдошлар».
18.25 «Бу ажиб дунё».
18.40 «Мюзик-холл».
19.00 «Интернет ҳудуди».
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Кумуш шар». Евгений Урбанский.
Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
20.00 «Время».
20.50 КВН-99.
22.40 «Кинопрофи».
23.00 Лаки-Страйк намойиш этади. «Уолл-стрит». Бадиий фильм.
01.00 «Таҳлилнома» (рус тилида)
01.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 Канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30,13.45, 18.00, 19.50, 00.20 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.30 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «ТВ 101» Ёшлар учун сериал (АҚШ).
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Юлдузлар карвони». Мусиқий дастур.
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.
23.15 «Мак Гайвер». Саргузашт сериал (АҚШ).
24.00 «Бозор». Видеомода.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг олборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маниий хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-97.
Факс: 54-49-11.
Пейжер: (067) 90-79

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси жамоаси жамғарма раиси Дадахон Ёқубовга волидаи муҳтарамаси **Эътиборхон УСМОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Матлуботчи»да мароқли ҳордиқ

Навоий вилояти «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Матлуботчи» болалар оромгоҳида бу йил ёзги таътилда 300 нафар ўқувчи-ёшларнинг мароқли дам олиши мўлжалланган. Айни пайтда оромгоҳнинг биринчи навбатида 300 нафар болажонлар яйраб хордиқ чиқаришаяпти. Оромгоҳда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ям-яшил боғ, мевали ва манзарали дарахтлар, соя-салқин хиёбон тарбияланувчилар дидига ниҳоятда мос.

— Мавсум давомида оромгоҳимизда дам олаётган болажонларнинг янги ўқув йилига жисмонан ва ақлан чиниқишини таъминлаймиз, — дейди вилоят «Матлуботсавдо» бошқаруви раиси Райим Шарипов. — Шунингдек, фарзандларимизнинг Бухоро, Самарқанд, Нурота каби қадимий шаҳарларга саёҳатини уюштирамиз.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хоразмга яна ... «Ревизор» келди

Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси тағин мумтоз саҳна асарига мурожаат қилди — Гоголнинг оламга машҳур «Ревизор» асари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

«Классикага мурожат қилишимиздан мақсад ижтимоий ҳаётимизда у ёки бу кўринишда оз бўлсада учраб турган воқеаларнинг мавжудлигини кўрсатишдир, — дейди саҳналаштирувчи режиссёр Ҳожибой Ортиқов. — Тан олиш керак, ҳозирда ҳам айрим жамоаларда ана шундай ҳодисалар учрайди.

«Ревизор» комедиясидаги ролларни театрнинг таниқли артистлари ижро қилишган. Унинг илк намойиши яхши таассурот қолдирди...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сўзга меҳри тушган адиб

«... Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, адабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман. Чунки, менинг «Оқ кема», «Жамила», «Алвидо, Гулсари» каби бир нечта повестларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олди. Мана, шунинг ўзи ҳам дўстликнинг куч-қудратидан». Ушбу дил сўзлари Чингиз Айтматовга мансуб. Бунга ҳам салкам чорак аср бўлибди.

Асил ака билан Чингиз оғанинг ижодий дўстлиги шу йиллар бадалида янаям мустаҳкамланди; олтин халқаларга айланди. Чингиз оғанинг «Сомон йўли», «Юзма-юз», «Оқ ёмғир», «Сарвиқомат дилбарим», «Биринчи муаллим», «Рақиблар», «Бўтакўз», «Эрта келган турналар», «Байдамтол соҳиллари да», «Денгиз ёқалаб чопаётган олапар», «Асрга тенгилик кун» сингари роман ва қиссалари Асил ака таржимасида ўзбек китобхонининг кўнгил безаги, маънавий мулки бўлиб қолди.

Қодир Эгам бандаларини ҳар кўйга солиб, турфа шаклу шамоилларда суюнтирар ва куюнтирар экан. Не тонгки, кимларнингдир кўнглида осмон қадар беадад бепоёнлик, кимларнингдир кўнглию пешонаси торлигидан сичқонлар ини минг танга. Кимларнингдир дилида дов-дарахтлару тоғ-тошлар меҳри ҳавоси; яна кимларнингдир юрагида уммон туби маржонларию юлдузлар муҳаббати. Бандаи мўмин ақли шуурининг салоҳиятию кўнглидаги Нурнинг қудрати даражасида улғаяр ва улуғланар экан.

Чингиз Айтматов XX аср жаҳон адабиётининг фавқулодда нодир ҳодисаси. Қиёс қилайлик: агар, Лев Толстой ва Достоевский XIX аср рус адабиётини француз, немис, инглиз адабиётлари силсиласида жаҳон миқёсида қанчалар баландликка кўтарган бўлса, Чингиз Айтматов ҳам XX асрнинг иккинчи ярми туркий халқлар адабиётининг мавқеини шу қадар юксакликда жаҳон миёқсига олиб чиқди. Оламгир шуҳрати ва довруғини таъминлади. Агар, Мигел Анхел Астуриас, Алехо Карпентьер, Мануэл Рохес, Габриэл Гарсиа Маркес, Октавио Паса, Карлос Фуэнтес, Хулио Кортасар ва ҳ.з. номи билан боғлиқликда Лотин Америкаси адабиёти жаҳон маънавий маданиятида пешволикка эришган бўлса, туркий халқлар адабиёти ҳам ўз навбатида Абдулла Қодирий, Ойбек, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов, Мухтор Шаханов, Ўлжас Сулаймон, Абдулла Орипов номи билан боғлиқликда XXI аср жаҳон адабиётининг бадиий-эстетик тафаккури устувор тамойилларини белгилаб берса не ажаб. Зеро, уларнинг муборак асарлари жаҳон миқёсида бўйи ердан осмон қадар чизилаётган инсон портретини туркигўй хислат-фазилатлар билан бойитиб келмоқда. Чингиз оға асарлари ана шу хусусиятларга ёрқин бўёқдорлик, рангдорлик бағишламоқда. Ўша жаҳоний инсон XXI асрда туркийча тўкис сўзласа не ажаб.

Зеро, юқорида саналган улуғларимиз ижоди нафақат ўз асри, шу билан баробар келгуси асрлар авлодларининг ҳам маънавий-интеллектуал маданиятини камол топтиришга хизмат қилади.

Асил аканинг таржимон ва тадқиқотчи сифатидаги катта хизмати ва маҳорати ҳам шундаки, оламгир Чингиз оға асарларининг ҳиссий таровати ва фикрий қудратини сақлаган ҳолда ўзбек ўқувчисининг кўнглига кўчира олган. Асил ака Чингиз оға билан даврдош, суҳбатдош, тенгқўр бўлганлиги билангина эмас, яна етук таржимон бўлганлиги билан бахти бутун. Бугунги кунда Чингиз оға асарлари жаҳоннинг юздан ортиқ тилларида бир неча миллионлаб нусхаларда ўқилмоқда, ардоқланмоқда. Ушбу силсилада Асил аканинг таржималари ҳам муносиб ўрин тутади.

Агар, Асил Рашидовнинг илмий-ижодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар мазкур йўналишларда яхлит кўзга ташланади: биринчидан, бадиий таржима амалиёти ва назарияси масалалари. («Ҳаёт — адабиёт — таржима», «Ёрқин истеъдод», «Санъаткор олами», «Ҳаётдай сертўлқин», «Севги гимнидан оқ кемагача» сингари ўнлаб тадқиқотлари). Иккинчидан, бадиий адабиётда инсон концепцияси ва санъаткор бадиияти. Бу борада «Сўнмас юлдузлар» мажмуаси қиёфасини белгилаган «Аллома санъаткор» (Садриддин Айний), «Леся Украинка», «Чингиз Айтматов», «Ҳамид Олимжон — она Ватан куйчиси» адабий портретларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Учинчидан, санъаткор эстетикаси ва қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий олами. Ушбу йўналишда «Меҳнат кишиси — бош қаҳрамон», «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири», «Инсон ва меҳнат мадҳи», «Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони» каби тадқиқотлари айрича аҳамиятга эга.

Фанимиз заҳматкашлари

Асил аканинг ўнга яқин монографиялари, рисолалари, мажмуалари, юздан ортиқ илмий-назарий, муаммоли, оммабоп мақолаларини бирлаштириб турувчи яхлит бир асос бор. Бу — инсондаги инсонийлик хислат-фазилатларининг маъно қирраларини кўриш, тушуниш ҳамда кўрсатиш. Зеро, Асил аканинг ўзи ҳам табиатан камтар-камсуқум, ўта дилкаш ва самимий, заҳматкаш ва дилбар инсон. Шахсиятидаги мазкур хусусиятлар ижодкор-олим сифатидаги изланишларида ҳам зуҳур топганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Асил ака ҳар бир асардан, аввало, бадиий адабиётнинг гуманистик— инсонпарварлик мазмун-моҳиятини излайди; топади ва ўзига хос йўсинда жўшиб ифодалашга интилади.

Асил ака учун бадиий адабиёт — чинакам сўз санъати. Унда адолат, эзгулик ва гўзаллик яхлит уйғунликда мужассамлашган. Сўз санъати — бу ижтимоий ҳақиқатнинг бадиий тасдиғи. Ҳаёт ҳақиқати эса, сўз шаклига кирган, қудратли кучга эга бўлган ёруғ, уваланмас гўзаллик. Асил аканинг илк мақоласи «Америка прогрессив адабиётида негрлар ҳаётининг акс эттирилиши» деб аталади. Мана, ярим аср бўляптики, у адабиёт, деб аталмиш муқаддас ва муборак даргоҳнинг заҳматкаш фидойиси, қутлуғ сўз илмининг садоқатли камарбастаси.

Хусусан, С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» ёки «Куллар», «Судхўрнинг ўлими» ёки «Дохунда», «Етим» ёки «Одина» асарларини таҳлил этадими, барчасида инсон маънавиятини нурлантирувчи фазилатлар, уларга раҳна солувчи иллатлар олим диққат-эътиборида бўлади.

Асил ака тадқиқотида С. Айний абадиятини таъминлаган реалистик тасвир маҳоратини кўрсатиш етакчи. Яъни, адибнинг ижодий нияти ва унинг ижроси — эстетик идеал, санъаткорнинг ижодий принциплари ва бадиий талқинлар уйғунлигига эришиш — маҳоратнинг бош белгиси эканлигини асослайди. Зеро, реалистик тасвир тамойилларининг ҳар бир ижодкор шахсияти билан омухталикдаги бадиий талқин кўринишлари, усуллари санъатда алоҳида йўналишларни вужудга келтиради, шу билан баробар, адиб ижодий мактабининг моҳиятини ҳам белгилайди.

Асил ака айниқса, Садриддин Айний ва Чингиз Айтматовларга бағишланган ижодий портретларида масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътиборини қаратади.

Ҳеч бир миллий маданият ўзининг тор қобиқларига ўралиб биқиқ ҳолда ривожланган эмас, ривожланмайди ҳам. Чингиз Айтматов бадиий тафаккури Шарқ ва Ғарбнинг бешигида камол топди. Тадқиқотчи Чингиз Айтматов яратган бадиият мактабининг хусусиятлари ҳақида сўз юритади. «Катта» ва «кичик» миллатлар бўлмаганидек, улкан ва ушоқ адабиётлар ҳам бўлмайди. Бу хилдаги сифатлар моддий ашъёлар учун матлуб. Ва лекин, маънавият учун дахлдор эмас. Маънавий маданиятнинг ижтимоий-эстетик салмоғи тошторозига қўйиб тортилмаган. Ҳадлари қулочкашлаб ўлчанмаган. У инсонни комилликка етакловчи ҳиссий-ақлий таъсир кучи билан, салоҳияти билан белгиланади.

Асил аканинг бадиий таржималари, Чингиз Айтматов ва Садриддин Айний, Леся Украинка абадиятига оид адабий портретлари сўз санъатини, адабиётнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини нечоғлик чуқур англаганидан далолат беради. Адабиёт — бу санъаткор туйғи ва кўнглимизда ишонч-эътиқод уйғотадиган, воқеликнинг ҳақиқатга, гўзалликка айланган бир бўлаги. Алангали парчаси. Ва ушбу жараёнда санъаткор бадиий диди ва эстетик савиясининг юксаклиги, юрагидаги ёлқиннинг ҳарорат даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу нарса, адиб абадиятининг таъсирини белгиловчи бош омил, деб билади.

Асил ака ижодий изланишлардан асло толиқмайди. «Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» фожиасида илм-маърифат ғояларининг ифодаланиши», «Чўлпон шеърияти», «Ойгул ва Бахтиёр» достони ва уни халқ эртаги «Маликаи Ҳуснобод» билан қиёсий ўрганиш», «Ҳамза — истиқлол куйчиси» тадқиқотлари юзасидан изланишлари ниҳоясига етди. «Чингиз Айтматов маҳорати» мавзусидаги салмоқли монографияси ҳам якунланди.

Оламга, одамга, сўзга меҳр ҳам нонга ўхшайди. У ҳар биримизга ҳар куни керак.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ

Пешқадам ўзгарди

Ўзбекистон миллий ҳамда олимпиа терма жамоаларининг асосий пойдевори ҳисобланган олий лигачилар чемпионатнинг ҳал қилувчи давраси ўйинларини бошлашди. Маълумки, жамоалар оралиқ маррага етиб, давон ошганларида кўп нарса ойдинлашган бўлади. Хусусан бу йилги курашда чемпионлик учун баҳс кўпроқ «Дўстлик» ва «Самарқанд» футболчилари ўртасида давом этадиган кўринади. Афсуски, 16-тур ўйинларида ўз майдонида тўп сурган «Дўстлик» футболчилари «Нефтчи» жамоасини қабул қилиб, имкониятни бой беришди. Учрашув 3:2 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Пешқадамликка асосий даъвогарлардан саналган «Самарқанд» футболчилари эса «Темирйўлчи»ни қабул қилиб, дарвозага 6 та жавобсиз тўп киритишди. Бу ғалабадан кейин самарқандликлар 39 очко билан биринчи ўринга кўтарилишди. Шунингдек «Навбаҳор», «Хоразм», «Пахтакор» жамоалари ҳам ўз ҳисобларига 3 тадан очко қўшиб, кучли олтиликдаги мавқеларни мустаҳкамлашди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Хоразм» — «Янгиер» — 1:0, «Насаф» — «Бухоро» — 1:1, «Зарафшон» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Андижон» — «Металлург» — 2:1, «Трактор» — «Навбаҳор» — 2:6, «Сурхон» — «Пахтакор» — 2:4.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-61-34;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *САИДА ЙЎЛДОШЕВА*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди — 20.19
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Миллийликдан йироқ «даҳо»лар

ёки «савиясизлик ҳам эви билан-да» десангиз тушунмайдиганлар хусусида...

Санъат кишилари ўз соҳаларини яхши билишдан ташқари, муомала маданиятига, ўзаро мулоқотда оддий этика-эстетика қонун-қоидаларига риоя этишни ҳам билишлари лозим. Айниқса, саҳнада, телевидениеда чиқадиган одамлар, хусусан, кўрсатув олиб бораётган бошловчи ёки журналистлар айтаётган гапларини ўйлаб гапиришлари, айни вақтда улар билан мулоқотда бўлаётган санъат аҳли ҳар бир сўзида масъулиятни ҳис этиши фақат фойда келтиради. Бу масалага алоҳида тўхталаётганимнинг сабаби бор. Телевидение орқали берилган бир-икки «ажойиб» суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Ҳозирги кунда ёшларимиз орасида қўшиқлари урф бўлган эстрада хонандаларидан бири билан суҳбат асносида бошловчи унга шундай савол берди: «Қўшиқларингизга шеърни қандай танлайсиз?» Хонанда шундай жавоб қайтарди: «Биласизми, мен деярли барча қўшиқларимни ўзим ёзаман». Худди шунга ўхшаш яна бир суҳбатда: «Қўшиқларингизнинг оммалашиб кетиши сабаби нимада?» деб берилган саволга, хонанда: «Аввало шуни айтишим керакки, қўшиқларимни фақат ўзим ёзаман», — деб жавоб берди.

Ажабо, шоирлик шунчалик осон экан-да. Шунчаки ҳаваскорлик билан шеърият деган буюк уммонга дахлдорлик орасидаги фарқни тушунмайдиган бундай «даҳо»ларга нима ҳам дейиш мумкин? Бу каби ёшларнинг масъулиятни ҳис қилмаслигига, енгил ўйлашига ҳайрон қоласан киши. Наҳотки, улар бундай даъволарга маънавий ҳаққим борми-йўқми, деб ақлли бир карра ўйлаб кўрмасалар?

Шу ўринда телевидение кўрсатувларининг баъзи бошловчиларига ҳам эътирозим бор. Чунки улар суҳбат тизгинини суҳбатдошларига бериб қўядилар. Агар шундай бўлмаганида ўша ҳаваскор шоирга ҳеч бўлганда: «Сиз ўзингиз ёзган шеърларнинг бадиий савиясига тўла кафолат бера оласизми?» деб савол берган бўлардилар.

Ахир, бугун ёзувчи-шоирларимиз, бастакорларимиз, умуман, мухлислар кўпгина қўшиқларнинг шеърий матнлари ҳеч қандай қолипга сиғмаслиги, сўзларининг маза-матраси йўқ, фақат шунчаки сўзлар тизмасидан иборат бўлиб қолаётгани ҳақида куйиб-пишиб гапирмоқдалар-ку!

Ҳатто телевидениенинг ўзида ҳам қўшиқларнинг матнлари хусусида жиддий мулоқотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Керак бўлса, қўшиқларга матн танлаш, пала-партишликка чек қўйиш борасида ҳукумат даражасида тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳатто Президентимиз бу хусусда алоҳида тўхталиб, ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда қўшиқнинг аҳамиятини бир неча бор таъкидладилар. Қўшиқ байрамлари, турли танловларни ўтказишдан мақсад қўшиқни кўпайтириш эмас, яхшиларни ичидан энг яхшиларини саралаб олиш. Бунда асосий диққат-эътибор ёшларни ёруғ келажакка бошлашга хизмат қиладиган қўшиқларни кўпайтиришга қаратилмоқда. Биз бўлса ана шундай бир вақтда телевидение, концерт заллари, овоз ёзиш студиялари орқали маза-матрасиз, эстетик қиймати эга бўлмаган қўшиқларнинг кўпайишига бефарқ қараб турибмиз. «Гапдан ишга ўтадиган вақт аллақачон келган», деб айтамизу, масъулиятли палла келганда, тўғри сўзни айтишдан қочамиз, манфаатдорлик юзасидан иш тутишдан уялмаймиз. Шундай бўлмаганда, кўплаб гуруҳларнинг пала-партиш сўзлар йиғиндисидан иборат қўшиқларига кўра-била туриб йўл очиб бермаган, юқорида айтганимга ўхшаб баъзи хонандаларнинг экранда туриб бемалол «шеърларни ўзим ёзаман», қабилидаги сўзларга вақтида керакли жавобни айтган бўлардик.

Нафақат куй-қўшиқ, балки оммавий ахборот воситалари ва матбуот орқали бўладиган бошқа мавзуидаги суҳбатларда ҳам оддий маданиятга, орадаги савол-жавоблар мазмунига жиддий эътибор бериш лозим. Бунинг сабаби битта: қаршингизда томошабин, тингловчи, ўқувчи бор.

Кези келганда кийиниш маданиятига ҳам тўхталиб ўтмоқчи эдим. Албатта, санъат кишилари ҳамиша ва ҳамма даврларда ҳам моданинг олдида бўлиб келганлар. Уларнинг кийинишидан кўплар, айниқса, ёшлар ўрнак оладилар. Шунинг учун санъат соҳаси кишилари ҳар қандай замонавий кийим-кечак кийганда ҳам ўзбек миллатидан, мусулмон фарзанди эканлигини унутмасликлари керак.

Икки йил олдин 8 мартга бағишлаб «Туркистон» саройида бўлган концертда бошловчи аёлнинг кийимини кўриб ҳайрон қолгандим. Тор-танқис матодан тикилган кўйлак, бунинг устига олд томони нақд белигача йиртилган. Эҳтимол, европача тарздаги бирор концерт турига шундай кийиниб бошловчилик қилиш мумкиндир. (Аслида буни ҳам ўйлаб кўриш керак). Лекин оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёллар қаршисига шу ҳолда чиқиш бизнинг шарқона одоб-аҳлоқимизга, маънавиятимизга тўғри келадими?

Мулоҳаза

Яна бир сафар Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс танловида шунга ўхшаш ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Ўзбек миллий рақс танловини олиб бораётган бошловчи ярим яланғоч ҳолатда саҳнага чиқиб келди. Ажабо, мантиқ қани, ҳеч бўлмаса, тадбир мазмунидан келиб чиқилса бўлмайдими? Ёки шундан бошқа кийим кийса, залдагилар уни чиқариб юборишадими? Албатта, бу билан мен ҳамма атлас, беқасам матолардан кўйлак кийиб, дўппида юрсин, демоқчи эмасман. Умуман, миллий кийим шулардангина иборат эмас. Гап ҳар бир миллатнинг, хусусан, мусулмон фарзандининг замонавий кийинишда меъёрни сақлаши лозимлиги, миллат эътиқоди, маънавияти, одоб-аҳлоқи доирасидан чиқмаслиги ҳақида бормоқда.

Телевидение ходимлари биздан хафа бўлсалар ҳам, худди шу масалада яна уларни мисолга олишга мажбурман. Чунки такрор-такрор айтишга мажбурмиз: телевидение — миллионларнинг кўзгуси. Чиройли-чиройли ўзбек миллатига мансуб қизларимиз аллақанақа хорижий модадаги кийимларни кийиб, бунинг устига, томошабинга орқа ўгириб суҳбат олиб боришади. Куни кеча шундай қизчалардан бири кийган кўйлакнинг томоғи ёпиқ, икки ёни белигача очиқ, сочларини ёйиб олган. Наҳотки, экранда томошабинларга салгина йиғиштирилиб кўринишнинг иложи бўлмаса. Агар бу каби ҳолатлар ҳар замонда бир бўлса, ёзиб ўтирмасдик. Афсуски, биз бир куннинг ўзида ўн маротабалаб ана шундай манзараларнинг гувоҳи бўлишга мажбурмиз. Телевизорни фақат ёшлар эмас, кекса онахонлар, отахонлар ҳам кўришади. Ҳеч бўлмаса, улар олдида одоб сақлайлик.

Шу ўринда илгари ҳам кўп гапирилган бўлса-да, санъаткор деган сўзни ҳаддан ташқари сийқалаштириб юбораётганимизни таъкидламоқчиман. Бунда кўпроқ матбуот ходимларининг ҳам айби бор. Матбуотда ёки радио-телевидение чиқишларида кўп ўйлаб ўтирмай, кечагина санъат оламига кириб келган одамни ҳам, ҳаваскорлик даражасидагиларни ҳам **санъаткор** деб юбораверамиз. Бундай улуғлашга фақатгина ўз ишининг моҳир усталари сазовор эканликлари ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз. Мана энди бугун «Юлдуз» сўзи ана шундай сўзлардан бирига айланиб қолди. Очиғи, бизда бугун оддий хонанда-созанданинг ўзи йўқ: санъатимиз, айниқса, қўшиқчилик санъати фақат **юлдузлар**дан иборат бўлиб қолди. Радио-телевидениеда ҳам, баъзан матбуотда ҳам бириккита қўшиқ айтган эстрада хонандаларию кеча тузилган эстрада гуруҳларига «бугунги эстрада санъатимиз **юлдузлари**» деб баҳо бериб юбораверамиз. Ҳатто «**суперюлдузлар**» гуруҳлари пайдо бўлган. Ўзи кечагина саҳнага чиққан, ҳали биров таниб, биров танимайди. Лекин **суперюлдуз,** хусусан, телевидениеда бериладиган баъзи рекламаларда ва кўчаларда турли жойларга ёпиштириладиган афишаларда бундай **юлдуз** ва **суперюлдузлар** болалаб кетди. Ҳайрон қоласан киши: қўшиқчилигимизга бу қадар юлдузлар ёғилиб турган экан, унда, нега бутун жаҳонни забт этолмаяпмиз? Агар «Мафтун», «Болалар», «Сетора», «Сидериз», «Хит-шарқ», «Фирдавс-Н», «Абдулла» каби гуруҳлар ва шунга ўхшаш ёш-ёш хонандалар **суперюлдуз** (бу билан мен уларнинг ижодини камситмоқчи эмасман) бўлса, унда саҳнамизнинг Юлдуз Усмоновадек ҳақиқий **юлдузлар**ини нима деб атаймиз. Айтаётган сўзимизни ўйлаб ишлатайлик, баҳо бераётганда ҳаддан ташқари сахий бўлишдан тийилайлик, меъёрни билайлик. Афишаларни кимдир тасдиқлаб, кимдир ёзиб чиқарса керак-ку. Шу иш билан шуғулланадиганлар наҳотки ўзларини шунчалик билимдон деб ўйласалар? Агар ўзларининг ақллари етмаса, тегишли ташкилот ва идоралардан сўраб-суриштирсалар бўлмайдими. Умуман, буларнинг ишини назорат қиладиган бирор одам ёки ташкилот борми! Мана шунақанги билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олишимиз оқибатида бугунга келиб баъзи хонанда ёки гуруҳлар ўзларини ҳатто «**суперюлдуз**» деб эълон қилишдан истиҳола қилмаяптилар. Бу каби енгиллик ва ўйламасдан иш қилишнинг оқибати маънавий қашшоқликка бориб тақалади.

Бугунги кунда ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз маънавиятга, маданиятга, маърифатга жиддий эътибор бериб, келгуси авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиши учун бор куч-ғайратни, имкониятни ишга солишга даъват этаётган бир вақтда, назаримда, энг оммавий ва таъсирчан восита бўлмиш санъат соҳаси кишилари олдинги сафларда туришлари лозим.

Гулчеҳра УМАРОВА,
журналист

Абдурасул ПАРДА олган сурат

❖ ИИБ хабарлари

Дока рўмол қуримади

Эри-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, дейди халқимиз. Лекин ҳаётда эри-хотинлар ўртасида гоҳида шундай урушлар ҳам учрар эканки, бундай урушлар олдида дока рўмол тугул...

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи Шоди Ж. исмли фуқаро хотини билан жанжаллашиб қоладию, ҳап саними деб, бекасининг кўкрагига пичоқ санчади. Орада нима гап бўлгани ҳозирча бизга номаълум. Бироқ, тиғни хотинининг қорнига тиқиб олган кишиники тўғри бўлмади. Жаҳл отига миниб, ақлнинг жиловини ҳам қўйиб юборган бу тўранинг иши янаям чаппа кетди. Чунки хотин бечора касалхонада бандаликни бажо келтирди. Шундай бўлгач, кимга қийин яна унинг ўзига. Шу боис, ички ишлар ходимлари бу ҳолатни оғир жазо сифатида баҳолаб ишни прокуратурага ошириб юбордилар.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция капитани

❖ «Гиннес»дан кўчирмалар

Дунёда энг узун қамчи австралиялик чўпон Гарри Брофидадир. Қамчисининг узунлиги (таёқчасидан ташқари) нақ 40 метр чиқади.

* * *

Англиялик Гэри Уиндебанк машинасининг покришкаларини энг кўп алмаштирган одам ҳисобланади. Ва бундан ташқари барча алмаштирган автопокришкаларини йиғиб юрган. 1984 йил февралда унинг покришкалари расмий ҳисобдан ўтказилганда 96 тани ташкил этиб, оғирлиги 653 кило чиққан.

* * *

1990 йил 28 январь куни бўлган ўзига хос тадбирда жайпурлик (Ҳиндистон) Сурендр Апхарий белгиланган вақтда шоли гуручидан 638 та ҳарф ёзиб (мамлакатлар ва шаҳарларнинг номи) ўз қобилиятини муваффақиятли намойиш этди.

* * *

Янги зеландиялик Шерил Батерворс самолёт қанотида тик турган ҳолда уч соатдан ортиқ учиб, 1990 йил 4 мартда ўзига хос рекорд ўрнатди.

* * *

Америкадаги баптистлар черковининг руҳонийси Рональд Галлахер 1983 йил 26 июндан 1 июлгача, яъни 120 соат тинмай ваъзхонлик қилган.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83